# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 9 октябрь, № 195 (6125) Пайшанба


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДҲ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2014 йил 9-10 октябрь кунлари Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

## ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БОШ ПРОКУРОРЛАРИ МАЖЛИСИ

*Тошкент шаҳрида 8 октябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)га аъзо давлатлар бош прокурорларининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.*

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси бош прокурорлари ҳамда прокуратура органлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда ШҲТда кузатувчи мақомига эга Ҳиндистон Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Мўғулистон вакиллари, шунингдек, ШҲТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэн қатнашди.

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодиров раислигида ўтди. Унда бош прокурорларнинг йиллик мажлиси ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг халқаро терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа хавфли кўринишларига қарши кураш соҳасида ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир қарорларини амалга оширишнинг самарали механизми экани таъкидланди. Навбатдаги мажлис бу соҳадаги қўшма қарорларнинг ижроси билан боғлиқ жараёнларнинг давоми бўлди.

Тадбирда ШҲТга аъзо давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди.

Мажлис иштирокчилари ШҲТга аъзо давлатлар прокуратура органлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳаларидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш масалалари бўйича ахборот алмашди. Шунингдек, жиноий йўл билан топилган даромадларни аниқлаш, мусодара қилиш ва уларни тегишли давлатларга қайтариш юзасидан ташкилотга аъзо давлатларнинг қонунчилик ҳужжатлари ва амалиёти таҳлилининг натижалари ҳам муҳокама этилди.

Мажлис якунида ШҲТга аъзо давлатлар делегация раҳбарлари томонидан тегишли Протокол имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси ва Мўғулистон Бош прокуратуралари делегацияларининг икки томонлама учрашувларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

**(ЎзА).**

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида Фуқаролар мудофааси халқаро ташкилоти бош котиби В. Кувшинов билан учрашув бўлиб ўтди.*

Учрашувда замонавий жамиятнинг янада саноатлашуви, ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг модернизация қилиниши техноген ва табиий сабаблар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг рўй бериши эҳтимолига таъсир кўрсатаётгани таъкидланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фавқулодда вазиятларни прогноз қилиш ва улар ҳақида олдиндан огоҳлантиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда турли халқаро ташкилотлар, жумладан, Фуқаролар мудофааси халқаро ташкилоти билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда қутқариш хизматларининг юқори малакали мутахассисларини тайёрлашнинг самарали тизими ташкил этилиб, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилма ва бўлинмалари замонавий техника ҳамда жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Учрашувда ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

**Р. БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири.**

*Пахтачилик тармоғида самарадорликнинг юқори бўлиши кўп жиҳатдан парваришланаётган ғўза навига боғлиқ. Чунки пахта толаси рангининг тиниқлиги, пишиқлиги ва узунлиги, қисқача айтганда, сифат кўрсаткичларининг юқори бўлиши, аввало, нав хусусиятларига бориб тақалади.*

## Саноатбоп ва харидоргир

**Хорижлик мутахассислар ўзбек пахтасига ана шундай таъриф беришмоқда.**

Шу боис Президентимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ селекционер олимлар олдига ҳар бир вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитига мос, ҳосилдор, тезпишар, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли, шунингдек, тола сифати жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш вазифаси қўйилди. Бундан ташқари, соҳанинг ҳуқуқий пойдевори сифатида "Уруғчилик тўғрисида" ҳамда "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

Давлатимиз томонидан ғўза селекцияси ва уруғчилиги ишларига қаратилаётган бундай эътиборга жавобан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти ҳамда илмий-тажриба станцияларининг селекционер олимлари янги навлар яратиш борасида муайян ишларни олиб бормоқда. Бу жараёнда навлар турли экологик ва иқлимий таъсирларга бардошли, шунингдек, тезпишар бўлиши эътиборда турибди.

Аслида пахтачиликда ҳосилнинг пишиб етилиш даври муҳим қимматли хўжалик ва мураккаб генетик миқдорий белгилар қаторига киради. Нега деганда, бу зарур агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш, пахтани нест-нобуд қилмай, сифатли йиғиштириб олишга қулай имконият яратади. Олимларимизнинг ушбу йўналишдаги изланишлари ўз самарасини бериб, ижобий натижаларга эришилаётгани кишида фахр-ифтихор ҳиссини уйғотади. Республикамизнинг асосий майдонларида экилаётган ғўза навлари бошқа пахта етиштирувчи давлатлар ичида энг тезпишар эканлиги шундай дейишимизга асос бўла олади.

Жорий йилда мамлакатимизда мавжуд майдонларда шу каби қимматли белгиларни ўзида мужассамлаштирган ғўза навлари парваришланди.

**(Давоми 2-бетда).**

Сайлов амалиёти:

## Ўзбекистон ва Польша тажрибаси

*Варшавада Ўзбекистоннинг Польшадаги элчихонаси томонидан Варшава университети Сиёсий фанлар институти билан ҳамкорликда "Сайлов қонунчилиги ва уни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон ва Польша тажрибаси" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.*

САЙЛОВ — 2014

Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда очиқлик, ошкоралик ҳамда қонун устуворлигини, сайловларда сиёсий партияларнинг иштирокини таъминлаш соҳасида икки мамлакат сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ривожланишининг замонавий ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама этилган мазкур тадбирда Польшанинг етакчи олим ва экспертлари ҳамда Варшава университети магистрантлари қатнашди.

Давра суҳбати иштирокчиларига мавзуга доир ахборот материаллари ва рисолалар тарқатилди.

Польшалик экспертлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий мақом берилиши, унинг ваколатлари кенгайтирилиши, молиявий мустақиллиги таъминланиши ҳамда сайлов кампаниясининг барча босқичида сайловчиларни хабардор этиб бориш юзасидан амалга оширилаётган ишларни юқори баҳоладилар.

Учрашувда сўзга чиққан **Варшава университети Сиёсий фанлар институти директори, профессор С. Суловский** ҳозирги вақтда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, ҳокимият бўлинишининг конституциявий принципини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

**Варшава университети Сиёсий фанлар институтининг Шарқий тадқиқотлар факультети раҳбари Т. Бодио** фикр билдирганидек, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини сайловлар орқали шакллантириш мамлакатдаги конституциявий тузумнинг демократик хусусиятидан далолат беради. "Шу сабабли Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётгани ҳар жиҳатдан тўғридир", деди у.

**(Давоми 2-бетда).**

## САЙЁҲЛИК РИВОЖИ ВА ИСТИҚБОЛ

**"Ипак йўлидаги туризм" XX Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси якунланди.**



*Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Таиланд, Малайзия, Сингапур, Италия каби ўнлаб давлатлардан фирма ва компаниялар вакиллари қатнашган ушбу халқаро форум ўзаро тажриба алмашиш, миллий сайёҳлик имкониятларини кенг намойиш этиш, анъана ҳамда қадриятларни тарғиб қилиш, мавжуд муаммоларни атрофлича муҳокама этиш, қолаверса, ҳамкорлик юзасидан фойдали шартномалар имзолаш ва янги йўналишлар очиш учун қулай шароит яратди.*





Ярмарка доирасидаги ҳар бир тадбирда туризм индустриясининг аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Дарҳақиқат, мазкур соҳа иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини жадаллаштириш, хорижий валюталарни кенг жалб қилиш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш, халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш сингари ўта долзарб масалаларнинг ижобий ечим топишига хизмат қилади.

Бу галги ярмарканинг иккинчи кунида "Туризм соҳасида ижтимоий ҳамкорлик: таълим ва иш билан таъминлаш" мавзуида халқаро форум ўтказилди.

"Ўзбектуризм" Миллий компанияси, Республика илмий-ўқув консалтинг маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, сайёҳлик фирма ҳамда компаниялари вакиллари, олим ва мутахассислар, талабалар қатнашди.



Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида тармоқни равнақ топтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида кадрлар тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш масаласига катта эътибор қаратиб келинаётганини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 30 июнда қабул қилинган "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни самарали олиб боришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилиб, ўғил-қизларнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини таъминлаш, қобилият ва иқтидори, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида салмоқли ишлар бажарилмоқда, — дейди БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижрочи директори Шахзонг Зу. — Ушбу жараёнда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш ҳам эътиборга олингани диққатга сазовордир.

**(Давоми 2-бетда).**

ДИЛ СЎЗИ

*Куни кеча Юртбошимиз Андижон вилоятига ташрифи чоғида биз, фермерлар билан учрашиб, деҳқончилик соҳасидаги илғор тажрибалар, ғўза навларини тупроқ ва иқлим шароитларига мос равишда танлаш, янги агротехнологияларни жорий этиш ҳақида қимматли маслаҳатларини бердилар. Фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.*

## Меҳнатимиз роҳатини кўраяпмиз

Дарҳақиқат, бугунги кунда фермерлик ҳаракати тобора кенг тус олмоқда. Эндиликда мазкур соҳа вакилидан нафақат ташкилотчилик, балки мелиорация тадбирларига алоҳида эътибор қаратиш, ер унумдорлигини ошириш, селекция ишларини такомиллаштириш талаб этилаяпти. Бошқача айтганда, қачонки, фермер ишга илмий ёндашиб, ҳосилдорликни ошириш, сарф-харажатларни қисқартириш пайидан бўлсагина, юксак натижаларга эришади.

Учрашувда Юртбошимизнинг вилоят меҳнаткашларига берган юқори баҳоси, айниқса, андижонлик аёлларнинг шаънига айтган илиқ сўзлари ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, аёл бор жойда барака бор, тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон. Албатта, бу Ўзбекистонимиздаги барча хотин-қизларга қарата айтилган каломдир. Ана шу сўзлар замирида мамлакатимизда хотин-қизларга нечоғли юксак эътибор қаратилиб, ғамхўрлик кўрсатилаётгани мужассам. Шу боис улар барча соҳада фаол. Меҳнат қилиб роҳат-фароғатда яшашмоқда.

Масалан, ўзим ҳам фермерлик орқасидан барака топдим. Фарзандларимнинг ҳаммаси ўқимишли. Ҳозиги кунда 14 нафар набира ва 9 нафар чеваранинг бувисиман. Гоҳида фарзандларим ёки набираларим билан вилоятимиз марказига тушганимда, бу ерда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, ободликни кўриб хурсанд бўлиб кетаман. Чунки булар келажагимиз ворислари учун қилинаётган эзгу ишлар самарасидир.

Қисқаси, лўппи-лўппи очилиб турган пахта даласидаги очиқ мулоқот ҳар биримизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Демак, бундан буён ҳам юртимиз ободлиги ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида астойдил меҳнат қилаверамиз.

**Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**Олтинкўл туманидаги**
**«Олтинкўл водий гулшани»**
**фермер хўжалиги раҳбари.**


www.xs.uz
«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг


## Ўзбекистон спортчилари ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч қачон кам бўлмайди

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида XVII ёзги Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ушбу мусобақаларда спортнинг 31 турида иштирок этиб, 44 медаль, яъни 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални қўлга киритди. Жамоавий баҳслар ҳисобга олинганда, мамлакатимиз спортчилари жами 61 медалга (12 олтин, 14 кумуш ва 35 бронза медаль) сазовор бўлди.

Сайлов амалиёти:

# Ўзбекистон ва Польша тажрибаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Мазкур институт директорининг ўринбосари, профессор Б. Бискуп** "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг юксак ҳуқуқий мақоми сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари учун муҳим шарт-шароит ҳисобланади. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда бошқа давлат органларининг аралашувига йўл қўйилмайди", дея таъкидлади.

Давра суҳбати якунида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан парламент сайловларига халқаро кузатувчиларни таклиф қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишларни ҳамда юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган сайлов амалиётини юқори баҳоладилар.

**«Жаҳон» АА.**
Варшава

# Ўзбекистон муваффақиятлари Брюсселда тақдим этилди

*Яқинда Брюсселдаги "Ренессанс" меҳмонхонасининг тантанали қабул маросимлари залида "Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида қўлга киритган муваффақиятлари" мавзуида тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

ДУНЁ НИГОҲИ

Тақдимотда мезбон мамлакатнинг федерал, ҳудудий вазирликлари ва маҳкамалари раҳбарлари, Европа Комиссиясининг расмий вакиллари, Европарламент ва Бельгия парламенти депутатлари, Шимолий Атлантика альянси, Европа Иттифоқи, Бельгияда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари, етакчи ишбилармонлар, экспертлар, жамоатчилик ва маданий доиралар вакиллари ҳамда журналистлар ҳозир бўлди.

Тадбир чоғида қатнашчилар мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жабҳалардаги муваффақиятларини ўзида акс эттирган муҳим ҳужжат, яъни давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 23 йиллигини тантанали нишонлаш маросимидаги табрик сўзи билан танишдилар. Қайд этилганидек, мустақиллик ўзбек халқига эркинлик ва озод ҳаёт берди, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзимизни англаш туйғусини, тилимиз, муқаддас динимиз, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб бердики, у Ватанимиз тарихида ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Мамлакат тарихан қисқа даврда ўз кучи ҳамда салоҳиятига таянган, сарҳадлари, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил ҳамда барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айланди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш чора-тадбирлари ҳамда бўлиб ўтадиган парламент сайловларини инобатга олган ҳолда, мамлакатда сайлов тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсати асосларини белгилаб берувчи қонунларга оид маълумотлар ҳам тадбир қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди. Шу ўринда жорий йил 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар дунёнинг демократик ривожланган давлатлари тажрибаси ўрганиб чиқилган ва қонуний тамойилларга асосланган ҳолда ўтказилиши таъкидланди.

Тақдимот чоғида Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатлар билан икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларини янада ривожлантиришдан манфаатдор эканлиги алоҳида қайд этилди. Республикада Европа Иттифоқи билан кенг қамровли масалалар юзасидан ўзаро ҳурматга асосланган ва томонларнинг манфаатларини инобатга олувчи узоқ муддатли ҳамда конструктив ҳамкорлик муносабатларини изчил ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилиши айтиб ўтилди.

Тадбирнинг расмий қисмида Европарламентнинг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан ҳамкорлик делегацияси аъзоси, италиялик евродепутат Х. Дорфман ҳамда Бельгиянинг Лювен католик университети профессори Ю. Янссенс сўзга чиқди.

Ўзбекистон халқини мустақилликнинг 23 йиллиги билан муборакбод этар экан, Х. Дорфман қуйидаги фикрларни билдирди:

— Марказий Осиё ҳамда Буюк Ипак йўлининг юрагида жойлашган Ўзбекистон инсоният цивилизацияси тарихида муҳим ўрин тутган. Унинг замини савдо-иқтисодий алмашув, маданий қадриятлар ва илм-фан тарқатувчи халқаро транспорт артерияси сифатида хизмат қилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқаро майдонда ўзини ишончли ҳамкор сифатида намоён этибгина қолмай, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш борасида ҳам аҳамиятга молик муваффақиятларни қўлга киритди. Сўнгги 10 йил ичида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан юқори бўлиб келаётганлиги ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарали эканлигидан далолат беради.

Ю. Янссенс ҳам Ўзбекистон қисқа муддатда иқтисодий, сиёсий ва демократик ривожланишда улкан натижаларни қўлга киритганини қайд этди.

— Мустақилликнинг илк йиллариданоқ республика раҳбарияти томонидан бой тарихий меросни ўрганиш, қайта тиклаш ва уни келажак авлодлар учун асрабавайлашга катта эътибор қаратилди, — деди у. — Шу йил май ойида Самарқанд шаҳрида ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрнига бағишланган халқаро конференциянинг ўтказилгани ҳам бу фикримни яққол тасдиқлайди. Конференция чоғида Ислом Каримов томонидан тадқиқотларимга берилган юксак баҳо мени жуда тўлқинлантирди.

Бўлиб ўтган тақдимот маросими доирасида ўзбек миллий санъат усталарининг концерт дастури ҳам намойиш этилди.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель



# САЙЁҲЛИК РИВОЖИ ВА ИСТИҚБОЛ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сир эмаски, ҳар бир соҳа ривожида малакали кадрларнинг салоҳияти алоҳида ўрин тутади. Айни пайтда мамлакатимизда туризм индустрияси учун замонавий мутахассислар етиштириб берадиган 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали ва 11 касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатаяпти. "Ўзбектуризм" Миллий компаниясининг Республика илмий-ўқув консалтинг маркази томонидан гидлар, туроператор ва меҳмонхона хўжалиги ходимлари тайёрланмоқда.

Мунтазам равишда ташкил этиб келинаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари эса битирувчиларга сайёҳлик фирма ва компаниялари фаолияти билан яқиндан танишиш, иш таклиф қилувчиларга юқори малакали кадрларни танлаш имконини бераётир.

Мутахассислар тайёрлаш борасида ижтимоий ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилган. Чунончи, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Британия Кенгашининг "Инглиз тили туризм учун" номли қўшма лойиҳаси доирасида туризм коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш, соҳага оид ўқув дастурларини такомиллаштиришга йўналтирилган тренинглар ташкил этилаяпти.



Муҳокамаларга бой тарзда кечган мазкур анжуманда туризм соҳасида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш, ўқув муассасалари билан иш таклиф қилувчилар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш ва тизимни такомиллаштириш каби қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Форумда сайёҳлик хизматлари сифатини оширишда касб таълимининг аҳамиятига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция ҳамда туризм соҳасида ижтимоий ҳамкорлик масалаларига оид давра суҳбати ҳам уюштирилди.

Эътиборга молик жиҳати, мазкур ярмарка доирасида мамлакатимиз туризмида янги лойиҳа — "Hosted buyers /Профессионал харидор/" дастури бошланди. У истиқболли шериклар ва харидорлар ўртасидаги учрашувларни олдиндан белгилаш, уларга муайян имтиёзлар бериш орқали соҳада ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга хизмат қилиши билан ғоят аҳамиятлидир.

Ярмарка давомида юртимиз сайёҳлик компаниялари, соғломлаштириш марказлари, театрлар, санаторий ҳамда шифохоналар, темир йўл тизими вакиллари ўз тақдимотларини ҳам ўтказдилар.

Тадбирда ташкил қилинган "Миллий таомлар фестивали"да, шунингдек, экспозициядан жой олган "Шарқ бозори" ҳамда "Ҳунармандлар шаҳри" бўлимларида ўзбек миллий таомлари, пазандалик санъатига оид маълумотлар берилди, ҳунармандларнинг ижод намуналари намойиш этилди.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида туризм йўналишидаги энг яхши компания ва меҳмонхона, энг яхши кўргазма стенди, энг яхши ҳудудий тақдимот, энг яхши сайёҳлик йўналиши каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Бахтиёр АКРАМОВ ва
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Оила — жамиятнинг мустаҳкам бўғини

*"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Жамият ва оила: маънавий ва ахлоқий олам" мавзуида сўров ўтказилди.*
*Унга кўра, ўзбекистонликлар учун оила ва болалар ҳаёт мазмунидир. Бугун дунёда кузатилаётган глобал ўзгаришларга қарамасдан, юртимизда оила вояга етаётган авлод тарбиясида энг муҳим ижтимоий институт, деган мақомини мустаҳкамлаб бораяпти.*

ИЖТИМОИЙ ФИКР

*"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга".*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасидан.

Оиланинг бош вазифаси баркамол шахсни вояга етказишдир. Респондентларнинг 61,4 фоизи ана шундай фикр билдирган. Ҳамюртларимиз фарзандларини мустақил ҳаётга тайёрлаш, жисмонан соғлом, маънан етук улғайтириш, уларга яхши таълим бериш, касбу кор эгаси қилиб тарбиялаш энг асосий вазифаларидан эканлигини алоҳида таъкидладилар. Фуқаролар давлатимиз раҳбари томонидан болалар спортини ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлида олиб борилаётган стратегияни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларини маълум қилишди.

Сўровда иштирок этганларнинг 65,4 фоизи болаларини яхши тушунишини, ўзаро муносабатлар ишонч асосига қурилганини қайд этишди. Уларнинг аксарияти замонавий ота-оналар ва фарзандлар қарашлари ҳамда қадриятлари турлича бўлади, деган фикрни ёқламаслигини айтишди. Бу мамлакатимизда оилавий қадриятлар авлоддан-авлодга ўтиб келаётганининг яна бир тасдиғидир.

Социологик тадқиқотда никоҳга кираётганларнинг ёши оила фаровонлиги гарови эканлиги маълум бўлди. Респондентларнинг айтишича, бу кўрсаткич ўғил болалар учун 25 — 26 ёш, қизлар учун 21 — 23 ёшдир. Сўровда қайд этилишича, турмуш қуришдан олдин ёшлар касб эгаси, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиши керак.

Сўровда қатнашганларнинг мутлақ катта қисми (94,4 фоизи) болани дунёга келтириш ва мустаҳкам оилани барпо этиш учун мажбурий тиббий кўрикдан ўтишни муҳим, деб билади.

Тадқиқот давомида аҳолининг оила ва никоҳ соҳасидаги ҳуқуқий маданияти ҳам ўрганилди. Ўзбекистонликлар Оила кодексининг асосий моддалари, никоҳ шартномаси мазмун-моҳиятидан хабардор. Фуқароларнинг кўпчилиги никоҳни ФҲДЁ рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий, деб ҳисоблайди.

Таҳлилларга қараганда, катталар ва ота-оналарга ҳурмат жамиятимизга хос эзгу анъанадир. Ёшлар никоҳ қуриш учун, албатта, ота-она розилигини олиш зарурлигини чуқур англашади.

Сўровда истиқлол йилларида юртимизда халқимизнинг тарихий урф-одатлари, қадриятлари қайта тикланиб, ривожланиб бораётгани яна бир бор тасдиқланди. Жумладан, маҳалла институти қайта туғилиб, янгича мазмун-моҳият касб этмоқда.

Ўзбекистон оиласи — аҳил, меҳнатсевар, меҳмондўст, болаларни ардоқлайдиган, ёши улуғлар эъзозланадиган, ватанпарварлик мустаҳкам қарор топган ижтимоий институтдир. Фуқароларнинг фикрича, замонавий оиладаги муносабатлар меҳр-муҳаббат, ўзаро тушуниш ва ҳурмат-эҳтиром булоғидан сув ичади.

Ўтказилган социологик тадқиқот бугунги Ўзбекистон оиласининг фаровонлиги, маънавияти юксалиб бораётгани Президентимиз томонидан жамиятнинг ушбу ажралмас бўғинини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган оқилона сиёсатнинг ёрқин самараси эканлигини кўрсатди. Зеро, мазкур ижтимоий институт барқарорлиги ва унинг равнақ топиши мамлакат тараққиёти, баркамол авлодни вояга етказишнинг зарур шартидир.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида**
**Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.**

## Қисқа сатрларда

● Сирдарёда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида саломатлик ҳафталиги ташкил этилди. Хусусан, Гулистон шаҳри маҳаллаларидаги тиббий текширувларда Тошкентдаги ихтисослаштирилган тиббий марказлардан ташриф буюрган мутахассислар аҳоли, жумладан, оналар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

**● Пойтахтимизда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан уюштирилган "Экологик ташаббус ва ресурслар — атроф-муҳит муҳофазаси йўлида" мавзуидаги матбуот анжуманида аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган янги www.tabiatnoma.uz ва www.chemicalnews.uz сайтларининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

● Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг "Оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини ёритишда оммавий ахборот воситалари салоҳиятини ошириш" лойиҳаси доирасида ўтказилган давра суҳбатида соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармалари масъул ходимлари, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

**● Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида хотин-қизлар ўртасида ҳунармандчиликни ривожлантиришга бағишланган семинар-тренинг уюштирилди. Унда моҳир усталар хотин-қизларга миллий каштачилик сирларини, қўғирчоқ тайёрлаш ва бақачаноқлардан эсдалик буюмлари ясаш усулларини ўргатишди.**

● Қоровулбозор туманида "Uztelecom"нинг янги савдо офиси иш бошлади. У "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Бухоро филиали томонидан фойдаланишга топширилди. Мазкур универсал шохобча барча қулайликка эга бинода жойлашган. У мижозларга шаҳарлараро ва халқаро алоқа турларини таклиф этмоқда. Бу ерда овозли алоқа ҳамда маълумотлар узатиш, юқори тезликдаги интернет, СДМА стандартидаги мобиль, "IP телефония", IPTV интерфаол телевидение хизматларидан фойдаланиш мумкин. Олис чўл ҳудудида истиқомат қилувчи қоровулбозорликлар мазкур имкониятлардан мамнун.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*



# Саноатбоп ва харидоргир

## Хорижлик мутахассислар ўзбек пахтасига ана шундай таъриф беришмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг 2014 йил 18 февралдаги "2014 йилда ғўзани навларга ажратиш ва пахта хом ашёси ишлаб чиқаришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида"ги қарорига асосан, бизнинг институтда яратилган навлар қарийб 990 минг гектар майдонга жойлаштирилди. "С-6524", "Наманган-77", "Бухоро-6", "Бухоро-8", "Султон", "Бухоро-102", "Андижон-35", "Омад", "Андижон-36", "Хоразм-127", "С-4727", "Ибрат", "Хоразм-150", "С-8284", "Наманган-34", "С-6541" шулар жумласидан.

Таъкидлаш кераккi, сўнгги йилларда институтимиз олимлари томонидан яратилган кўплаб навлар серҳосиллиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, сув танқислиги ва тупроқ шўрланишига бардошли бўлгани туфайли истиқболли навлар сирасига киритилди. Уларнинг ҳар бири муайян ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос бўлишига эришилгани диққатга сазовордир. Масалан, "Наврўз" нави Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларига мўлжалланган бўлса, "Тўрақўрғон-4" Фарғона водийси ва Навоий вилоятларида, "Парвоз", "С-9085" навлари Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида, "С-8290", "С-8286" Фарғона ва Наманган вилоятларида, "Жарқўрғон", "С-6550" навлари Сурхондарё вилоятида, "Ўнқўрғон-1", "Пахтакор-1", "ЎзПИТИ-201" навлари эса Андижон ҳамда Жиззах вилоятларида экилса, юқори самара беради. Мазкур навлар ҳар йили катта майдонларда экилиб, ишлаб чиқариш синовидан муваффақиятли ўтаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда институтимиз ва унинг филиалларида яратилган 40 дан зиёд ҳосилдор ҳамда тезпишар хусусиятлари билан ажралиб турадиган янги ғўза навлари Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг шохобчаларида синалмоқда. Шу аснода селекционер олимлар томонидан уларнинг дастлабки уруғчилигини ташкил этиш, нав хусусиятларини яхшилаш бўйича илмий-амалий тадқиқотлар изчил давом эттирилаяпти.



Маълумки, кейинги йилларда кузатилаётган экологик ўзгаришлар, жумладан, сув танқислиги ва тупроқ шўрланиши селекционерлар олдига янги-янги вазифаларни қўймоқда. Қолаверса, фермерларнинг турли экстремал шароитларга чидамли навларга бўлган талаби ҳам ортиб бораяпти. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда, институтимиз олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар янада чуқурлаштирилади. Натижада мавжуд ғўза генофонди намуналарини, хусусан, ёввойи, ярим ёввойи ва маданий шаклларни дурагайлаш орқали сув танқислиги ҳамда тупроқ шўрланишига бардошли бўлган донорларни ажратиш ва яратишнинг назарий ҳамда амалий услублари ишлаб чиқилди. Қолаверса, шу асосда тезпишар, яъни 105 — 120 кун ичида пишиб етиладиган, ноқулай шароитларга чидамли нав, тизма ва донорлар яратишга эришилди. Дастлабки натижаларга қараганда, унинг ҳар бир кўсагидаги пахта вазни 5,5-8,0 граммни ташкил этиб, тола чиқиши 38-41 фоизга, тола узунлиги эса 34-36 миллиметрга етади. Микронейр кўрсаткичи ҳам юқори — 3,6-4,5.

Мазкур навлар устида олиб борилаётган тадқиқотлар якунланиб, уларнинг амалиётга жорий қилиниши пахтачилигимизда янги саҳифалар очиши, пировардида ҳосилдорлик янада ошиб, ялпи хирмонимиз сарбаланд бўлишига хизмат қилиши муқаррар.

Бундан кўринадики, юртимизда ғўза селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш масаласига қаратилаётган эътибор, селекционер олимларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Яратилган ғўза навларининг навдорлик ва хўжалик кўрсаткичлари жиҳатидан устунлиги, энг муҳими, саноатбоплиги эса халқаро миқёсда юксак эътироф қилинаяпти.

Бу йил ўнинчи марта ташкил этилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида унинг қатнашчилари шу каби навлар, уларнинг тола намуналари билан яқиндан танишиш, айни пайтда хариди бўйича тўғридан-тўғри шартномалар имзолаш имкониятига эга бўлади. Бу чет эллик саноатчилар учун яна бир қулайликки, унда иштирок этувчилар сони йил сайин ошиб бораётганининг боиси ҳам ана шунда.

**Шодмон НАМАЗОВ,**
**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.**


Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Жаҳон муносиб меҳнат кунига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Жорий йилги Нобель мукофотининг физика йўналиши бўйича совриндорларидан бири Сюдзи Накамура мазкур эътирофдан жуда ҳам мамнун эканлигини маълум қилди.*

## Эътирофдан мамнун



Бу ҳақда олим Япониянинг “Эн эйч кей” телеканалига берган интервьюсида алоҳида таъкидлаган.

У бундан бир неча йил илгари ҳамкасблари Исаму Акасака ва Хироси Амано билан биргаликда кам электр манбаи сарф этиладиган диодли чироқларни ўйлаб топган эди. Айтиш жоизки, бу янгиликдан ҳозир дунёнинг барча мамлакатларида самарали фойдаланилаяпти.

Нобель мукофоти ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими анъанага мувофиқ 10 декабрь куни бўлиб ўтади.

## Пасайиш кузатилмоқда

*Германия саноатида ишлаб чиқариш сўнгги беш йилликда энг паст кўрсаткични қайд этмоқда. Бу ҳақда мамлакатнинг Технология ва иқтисодиёт федерал вазирлиги маълум қилди.*

Гап шундаки, жорий йилнинг август ойи ҳолатига кўра, саноат тармоғида буюртмалар қабул қилиш аввалги ойдагига нисбатан 5,7 фоиз пасайган. Экспертлар мамлакат иқтисодиёти яқин вақт ичида энг қийин дамларни бошдан кечиришини айтиб ўтишган.

## Хавфсизлик чоралари кўрилди

*Хитойнинг жануби-ғарбидаги Юньнань музофотида Рихтер шкаласи бўйича 6,6 баллга тенг ер силкиниши кузатилди.*



Маҳаллий маъмурият вакилларининг айтишича, табиий офат оқибатида бир киши ҳалок бўлган, 324 киши эса турли даражада тан жароҳати олган. Қурбонлар сони ошмаслигининг олдини олиш мақсадида 57 минг нафарга яқин киши хавфсиз ҳудудларга кўчирилди.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 3 августида ҳам айнан шу ҳудудда 6,5 баллга тенг зилзила рўй берган эди.

## Ноёб янгилик

*Буюк Британиянинг Саутгэмптон университети олимлари ўтказган тадқиқотлар натижаларига кўра, инсон онги ўлимдан кейин ҳам бир неча дақиқа давомида ишлаши мумкин.*

Бу ҳақда “The Telegraph” нашри хабар берди.

Мутахассислар тўрт йил давомида Буюк Британия, Австрия ва АҚШдаги 15 та шифохонада юраги тўхтаб қолган икки мингдан ортиқ кишилар ҳақидаги маълумотларни ўрганиб чиққан. Ҳаётга қайтганларнинг тахминан 40 фоизи юрак тўхташи ва унинг қайта ишга тушиши орасида у ёки бу даражадаги онгли тасаввурларни тасвирлаб берган.

## Энг йирик китоб ярмаркаси

*Франкфурт шаҳрида дунёдаги энг йирик китоб ярмаркаси бошланди.*

Унда дунёнинг 102 мамлакатидан етти мингдан зиёд нашриёт вакиллари қатнашмоқда. Тадбир доирасида турли тақдимотлар, викториналар ўтказилиши режалаштирилган.

Ташкилотчилар шу йилнинг 12 октябрига қадар давом этадиган ушбу ярмаркага 300 мингдан ортиқ китобхон ташриф буюришига умид қилишмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Табиий, арзон ва сифатли

**Заминимизда етиштирилаётган дала ва боғ неъматлари ана шу муҳим жиҳатларга эга.**

*Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, хусусан, узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Натижада бозорларимиз табиий, арзон ва сифатли мева-чевалар билан таъминланмоқда.*

ЖАРАЁН

Жорий йилда, масалан, Сурхондарё вилояти туманларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 132,1 минг тонна мева, 101,9 минг тонна узум етиштирилди. Бундай ютуқларни қўлга киритишда воҳа иқлимига мос тезпишар, серҳосил ва касалликларга чидамли навларни яратиш, тармоқда янги технологияларни жорий қилиш муҳим омил бўлди.

— 2011 йилда ҳудудимизда 215 гектар ерда хориж технологияси асосида интенсив боғлар яратилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда яна 267,8 гектар майдонга кенгайтирилди, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси пахтачилик, ғаллачилик, сабзавот-полизчилик ва узумчиликни ривожлантириш, агрокимё ва механизация бўлими бош мутахассиси Жаҳонгир Баҳромов. — Бунинг самараси ўлароқ, гектар ҳисобига 30-40 тоннадан ҳосил йиғиштириб олинди. Меванинг салкам 40 фоизи эса боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.

Айтиш жоизки, Денов туманидаги “САВБ” масъулияти чекланган жамияти, Сариосиё туманидаги “Дашнобод боғлари” ва “Бодомзор” фермер хўжаликлари аъзолари бу борада бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

— Интенсив боғ баракали экан, — дейди “Бодомзор” фермер хўжалиги раҳбари Шавкат Каримов. — Мана, иккинчи йилдирки, ундан яхшигина даромад олаяпмиз. Ҳозиргача салкам 100 тонна маҳсулотни саранжомлашга эришдик-да.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги “2011 — 2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, вилоятда ташкил этилган махсус омборларда сақланаётган мевалар хорижга юқори нархларда сотилмоқда. Айни шу жиҳат инобатга олинган ҳолда, мавсум охиригача туманларда яна сиғими 3200 тонналик, қиймати 3 миллиард 250 миллион сўмлик музлаткичли омборхоналарни фойдаланишга топшириш чоралари кўрилаётир. Бу юмушга Термиз туманидаги “Unigreen” МЧЖ жамоаси бошқош бўлаяпти.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2014 йил 23 октябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:**

